



# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 21 апрель, сешанба, №46 (3692).



»» Президент

## ПРЕЗИДЕНТ ФАРРУХ ЗОКИРОВНИ ТАБРИКЛАДИ



Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаев “Ялла” дастасининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон ва Қозоғистон халқ артисти Фаррух Зокировни 80 йиллиги муносабати билан табриклади.

Табрикда санъаткорнинг табиий истеъдоди, сўнмас ижодий қуввати ва меҳнатсеварлиги алоҳида эътироф этилган.

“Табиий истеъдодингиз, туганмас ҳаётий қувватингиз ва ноёб меҳнатсеварлигингиз туфайли сиз бутун дунё бўйлаб миллионлаб мухлисларнинг самимий меҳрини қозондингиз. Сизнинг санъатингиз кўп йиллардан буён турли авлод ва миллат вакилларини бирлаштириб келмоқда. Қозоғистонда сизни бетакорр овозингиз ва бутун бир даврнинг маданий феноменига айланган афсонавий “Ялла” дастаси ижросидаги машҳур кўшиқларингиз учун қадрлашадиган, дейилади табрикда.

Шунингдек, Давлат раҳбари Фаррух Зокировни маданият ва musiқа санъатини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашдаги хизматлари учун II даражали “Дўстлик” ордени билан тақдирлади.

Akorda.kz.



## АНТАЛИЯ ДИПЛОМАТИЯ АНЖУМАНИ: МУҲОКАМА МАРКАЗИДА – ДУНЁВИЙ МАСАЛАЛАР

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев Анталия дипломатия форумининг расмий очилиш маросимида иштирок этди.

Тантанали тадбирда Туркия Республикаси Президенти Ражаб Тоййиб Эрдўғон сўзга чиқди.

Анжуман ишида, шунингдек, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Қатар Амири шайх Тамим ибн Ҳамад ал Соний, Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Словения Президенти Наташа Пирц-Мусар, Шимолий Македония Президенти Гордана Силя-

новска-Давкова, Молдова Президенти Майя Санду, Сурия Президенти Аҳмад аш-Шараа, Бурунди Президенти Эварист Ндайишимийе, Конго Демократик Республикаси Президенти Феликс Чисекеди, Босния ва Герцеговина Президенти Раиса Денис Бечирович, Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе ҳамда бошқа делегациялар раҳбарлари иштирок этди.

Анталия дипломатия анжумани йил сайин ўтказиладиган нуфузли халқаро мулоқот майдони ҳисобланади. У сиёсий етакчилар, дипломатлар, экспертлар, бизнес, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти вакилларини бирлаштиради.

Шунингдек, анжуман икки томонлама ва кўп томонлама мулоқотлар, сиёсий маслаҳатлашувлар ҳамда расмий дипломатия учун самарали муҳокама майдони вазифасини ўтамоқда.

Akorda.kz.

## ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ САРИ

ЯНГИЧА ҲАМКОРЛИК  
ТАМОЙИЛЛАРИ ШАКЛЛАНМОҚДА



### ДАВЛАТ РАҲБАРИ АНТАЛИЯ ДИПЛОМАТИЯ АНЖУМАНИ СЕССИЯСИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев Анталия дипломатия анжумани доирасида ўтказилган «Mapping Tomorrow, Managing Uncertainties» мавзусида иштирок этди. Тадбирни Туркия Республикаси Парламенти депутати, мамлакатнинг собиқ ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўғлу олиб борди.

Давлат раҳбари ўз нутқи аввалида Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдўғоннинг халқаро майдондаги ўрнига алоҳида тўхталиб, унинг раҳбарлигида Туркиянинг нуфузли тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади.

– Аввало, ушбу минтақада Туркиянинг етакчи ўрнига алоҳида қайд этмоқчиман. Бу, шубҳасиз, нуфузли давлат арбоби Ражаб Тоййиб Эрдўғон раҳбарлиги билан бевосита боғлиқ. Бизнинг мамлакатларимиз минтақада юзага келаятган долзарб муаммоларни ҳал этишда ижобий ҳисса қўша олади, деб ҳисоблайман. Шу ўринда, Эрдўғон жанобларининг келаси ойда Қозоғистонга давлат таширфини кутаётганимизни таъкидламоқчиман, – деди Қасим-Жумарт Тўқаев.

Шундан сўнг Президент жаҳон ҳамжамияти олдида турган асосий муаммолар ва замонавий даъватлар юзасидан ўз муносабатларини баён қилди.

– Дипломатлар ва сиёсатчилар инсоният доимо қандайдир танлов олдида турганини таъкидлашди. Бир пайтлар БМТнинг собиқ Бош котиби Кофи Аннан ҳам бу фикрни кўп бора тасдиқлаган эди. Халқаро кескинликни пасайтириш масаласи кун тартибидан тушмайди. Бугунги кунда минтақавий можаролар ўз доирасидан чиқиб, дунёвий тус олмоқда. Албатта, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – бетакорр ва универсал тузилма. Ҳар бир давлат зиммасига уни қўллаб-қувватлаш масъулияти юкланган. Шу билан бирга, ташкилотни ислоҳ қилиш зарурати ҳам тобора яққол намоён бўлмоқда. Бу – ҳақиқат. Бироқ очиқ тан олиш керак: бу жараённинг тез орада амалга ошиши даргумон. Чунки БМТни ислоҳ қилиш ҳақида узоқ йиллардан буён гапирилмоқда, аммо амалий натижа кўзга ташланмаяпти. Шу боис, БМТни янгилаш жараёнида асосий эътибор Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилишга қаратилиши лозим, – деди Давлат раҳбари.

Йиғилиш раисининг саволига жавоб берар экан, Қасим-Жумарт Тўқаев замонавий етакчиларга хос бўлиши лозим бўлган муҳим фазилатларни санаб ўтди.

– Менимча, дунёвий миқёсдаги етакчилар, шунингдек, турли минтақалардаги давлат раҳбарлари, аввало, халқаро хавфсизлик ва тинчлик масалаларига юсак масъулият билан ёндашмоғи зарур. Бугунги кунда тинчликни таъминлаш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мураккаб ва айни пайтда зиддиятларга тўла бу дунёда юзага келган вазиятдан чиқиб йўли, менимча, оддий – масъулиятни ошириш ва вазминлиқни сақлаш керак, – дея таъкидлади Қозоғистон Президенти.

Давлат раҳбари Яқин Шарқдаги воқеаларга ҳам ўз муносабатини билдирди. Унинг фикрича, музокаралар жараёнида асосий масалаларга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

– Дунёда юз бераётган жараёнларга нисбатан янада онгли ёндашуш зарур, деб ҳисоблайман. Масалан, бугун барча Эрон масаласини муҳокама қилмоқда. Албатта, у ердаги вазият жиддий. Бу борада бирёқлама хулоса чиқариш қийин. Қозоғистон Форс кўрфази мамлакатлари билан ҳамжиҳат эканини билдирди. Биз барча давлатларни стратегик босиқликка rioя этишга ва ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга чақирдик. Ушбу можаронинг салбий оқибатларини барча ҳис қилди. Энг аввало, иқтисодиёт жиддий зарар кўрди. Бугун Ҳормуз бўғози орқали кемаларнинг эркин ҳаракати ҳақида кўп гапирилмоқда. Бироқ шуни унутмаслик керакки, можарога қадар мазкур денгиз йўли эркин савдо учун очиқ эди. Шу боис, муаммонинг моҳиятига эътибор қаратиш лозим. Бу эса, аввало, ядро технологиялари ва ядро куролларининг тарқалиши билан боғлиқ. Эрон афродидаги можарони ҳал этишда айнан шу масала музокараларнинг марказида бўлиши керак. Бироқ ҳозир эътибор дунёвий савдо масалаларига қаратилмоқда. Шунга қарамай, жаҳон савдоси ўсишда давом этмоқда. Хусусан, ўтган йили ўсиш 2,5 фоизни ташкил этди. Демак, савдо соҳасида вазият унчалик ёмон эмас. Бироқ савдонинг сифати ва мазмуни жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, – деди Қ. Тўқаев.

Президент Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ислоҳ қилиш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб, ушбу жараёнга масъулият билан ёндашуш зарурлигини таъкидлади. Унинг қайд этишича, ташкилотдаги инқироз ҳолатининг асосий сабабларидан бири – Хавфсизлик Кенгаши доимий ёъзоларининг нуқтаи назари билан боғлиқ.

(Давоми 2-бетда.)

## 2 МИНГДАН ЗИЁД КЎЧАТ ЎТҚАЗИЛДИ

Туркистон шаҳрида “Тоза Қозоғистон” дастури доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик маданиятни шакллантириш доирасида кенг қўламли тадбир ўтди.

Ушбу эзгу ташаббусда минтақа раҳбари Нуралхан Қўшероф, вилоят бошқармалар ва департаментлар раҳбарлари, меҳнат жамоалари, давлат хизматчилари, шаҳарликлар, тозалликка масъул муассаса ходимлари, шаҳар ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбир доирасида шаҳарни кўкаламзорлаштириш ҳамда экологик муҳитни яхшилаш мақсадида оммавий кўчат ўтқазиш ишлари ташкил этилди. Натижада бир кунда 1200 туп Қрим қарағайи, 1000 туп манзарали дарахт кўчати Туркистон шаҳрига кираверишдаги “яшил белбоғ” худудига ўтқазилди.

Ушбу ташаббус шаҳарнинг экологик ҳолатини янгилаб, яшил боғлар майдонини кенгайтириш ҳамда аҳолининг атроф-муҳитга нисбатан масъулиятини ошириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Кўкаламзорлаштириш тадбирлари келгусида ҳам давом этади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



(Давоми. Боши 1-бетда).

– Менимча, БМТни ислоҳ қилиш зарурати ҳақида гап кетганда, биз энг аввало, ўта прагматик, яъни воқеликни тўғри англаган ҳолда амалий ёндашувни танлашимиз керак. Акс ҳолда, инсоният доимо танлов олдида тургани, инсоний қадриятлар ва бошқа масалалар ҳақида тўхтовсиз гапиришда давом этамиз. Бугун кўп-кўп турли дунёвий ва минтақавий учрашувлар, анжуманлар ўтказилмоқда. Шу ўринда, Қозоғистон, Туркия ва бошқа давлатлар кирадиган “ўрта давлатлар”нинг ижобий ва муҳим ўрнини алоҳида таъкидламоқчиман. Албатта, биз ўзимизни дунёда энг яхши деб кўрсатиш ниятида эмасмиз. Бироқ дунёвий жараёнларга нисбатан юксак масъулиятни ҳам амалий, ҳам дипломатик жиҳатдан намён этмоқдамиз. Шу боис, бугунги кунда айрим ҳолатларда айнан ўрта давлатлар Хавфсизлик Кенгашидаги йирик давлатларга нисбатан кўпроқ масъулият намён этаётганини айтиш муболаға бўлмайди.

Афсуски, кўп ҳолларда энг муҳим дунёвий муаммоларнинг ечимини йирик давлатлар тўсиб қўймоқда, – дея таъкидлади Давлат раҳбари.

Навбатдаги саволдан олдин Мавлуд Чавушўғлу Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг бой дипломатик тажрибасини эслатиб ўтди.

– Президент Тўқаев – жаҳон миқёсидаги етакчилардан бири. У халқаро тизим, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолияти билан яхши таниш: у БМТ Бош қотибининг ўринбосари лавозимида фаолият юритган. Уша даврда мен Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси раиси эдим. У биродар Қозоғистон ва унинг халқи манфаатлари йўлида тинмай меҳнат қилиш билан бирга, халқаро тизимни янада самарали ва замон талабларига мос ташкилотга айлантириш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда, – деди тадбир раиси.

Шундан сўнг Қозоғистон раҳбари БМТ ва бошқа халқаро институтларнинг келажаги юзасидан ўз қарашларини баён қилди.

– Биз минтақавий ва дунёвий можаролар ҳақида сўз юритяпмиз. Бироқ шу билан бирга, эҳтимол, сиз Туркия ташқи ишлар вазири сифатида фаолият юритганингиздаёқ бу ҳолатни пайкаган бўлсангиз керак: асосий музокаралар БМТ ва бошқа йирик халқаро тузилмалар майдонларидан ташқарида олиб борилмоқда. Учрашувлар турли пойтахтларда, алоҳида конференция залларида ўтмоқда, ammo БМТ деворлари биносида эмас. Биз БМТ вакиллари ушбу можароларда воситачи сифатида фаол иштирок этаётганини кўрмаймиз. Бу эса жиддий муаммо. Гап БМТнинг нуфузи пайсаиб бораётгани ҳақида бормоқда. Бу ҳолат мени жиддий ташвишга солмоқда, чунки мен ўз вақтида ушбу тизим ва бошқа

# ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ САРИ

## ЯНГИЧА ҲАМКОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ ШАКЛЛАНМОҚДА



халқаро ташкилотларда ишлаганман. Ҳозир кўпчилик унинг навбатдаги Бош қотиби ким бўлиши ҳақида баҳс юритмоқда. Менимча, бу унчалик муҳим эмас. Энг асосий масала – мазкур тизим бугунги кўринишида сақланиб қоладими-йўқми, ана шунда, – деди Президент.

Қ. Тўқаев халқаро ташкилотлар фаолиятига сунъий идрокнинг таъсирини чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидлаб, дунёвий ташкилотни тубдан ислоҳ қилиш вақти келганини қайд этди.

– Айнан Хавфсизлик Кенгаши энг муҳим халқаро масалалар ечимига тўқинлик қилмоқда. Дипломатлар ва сиёсатчилар бошқа майдонларда музокара олиб боришга мажбур бўлмоқда. Шу ўринда, ўтган йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида Президент Дональд Трамп бу муаммога очикча эътибор қаратган эди ва мен унинг айрим фикрларига тўлиқ қўшиламан. У штаб-квартирадаги вакиллар фаолиятини танқид қилиб, БМТни жараёнларга лоқайдликда айблаган эди. Бироқ энг жиддий муаммо – тинчликни сақлаш тизимининг ўзи БМТда ҳам, бошқа тузилмаларда ҳам издан чиққанидир. Мен кўп томонлама дипломатиянинг қатъий тарафдориман ва адолат ғояси атрофида бирлашган инсониятнинг келажагига ишонман. Чунки

адолат – тинчликни мустаҳкамлашнинг марказий асосидир, – деди Давлат раҳбари.

Президентнинг фикрича, БМТ замон талабларига мос келмайдиган қараш ва ёндашувлардан халос бўлиши керак.

– Бу ташкилот 80 йил муқаддам тузилган. Унинг эскиргани, ҳатто инкирозга юз тутгани ҳақида айтувчилар ҳам ҳақ. БМТ Низоми мазмунига эътибор қаратиш лозим. Унда “душман

давлатлар” деган тушунча мавжуд. 80 йил олдин бу масала аниқ эди. Бугун эса айнан шу давлатлар БМТни қўллаб-қувватламоқда ва молиялаштиришда, тинчликни сақлаш жараёнларида муҳим ўрин тутиб келмоқда. Энг асосий масала – БМТнинг самардорлиги ва нуфузини оширишдир, – деди Президент.

Қ. Тўқаев, шунингдек, можароларнинг олдини олишда превентив

(давлатлар ўртасидаги зиддиятнинг олдини олувчи) дипломатиянинг аҳамиятига алоҳида тўхталди.

– Бу масала сўнгги 30 йил давомида мунтазам муҳокама қилинмоқда. Аммо баландарвоз нутқлар ва декларациялардан бошқа амалий ўзгариш деярли йўқ. Шу боис, биз минтақавий ва дунёвий можароларни аввалдан башорат қилиш дастакларига эътибор қаратишимиз лозим. Бу – превентив дипломатиянинг моҳиятидир. Шу билан бирга, самарали кўп томонлама дипломатияни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайёҳаракатларни бирлаштириш зарур, – дея сўзини якунлади Давлат раҳбари.

Муҳокама давомида Шимолий Македония Президенти Гордана Силановска-Давкова Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг БМТ фаолиятида превентив дипломатияга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги ҳақидаги қақиргини қўллаб-қувватлади.

– Мен яна бир бор таъкидламоқчиман: ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ҳам Европа Иттифоқи аслида тинчлик лойиҳалари сифатида ташкил этилган. Бироқ улар ҳар иккала ҳолатда ҳам урушга дуч келиб, муайян маънода муваффақиятсизликка учради. Нега бундай бўлди? Чунки превентив дипломатия етарли даражада мавжуд эмас эди. Жаноб Тўқаев превентив ва проактив (ташаббускор ва фаол) дипломатия ҳақида тўхталди. Айнан шу жиҳатлар бизга етишмаяпти. Улар – сиёсий қарор қабул қилишнинг оқилона дастаги, – деди Шимолий Македония етакчиси.

**Akorda.kz**  
маълумотлари асосида.



## ДОРИ ВОСИТАЛАРИ НАЗОРАТИ – СИФАТ КАФОЛАТИ



Вилоят ҳоқими Нуралхан Кўшерев «СК-Фармация» масъулияти чекланган биродарлигининг бошқаруви раиси Нурлибек Асилбеков билан учрашди. Мулоқот давомида вилоят соғлиқни сақлаш соҳасига оид долзарб масалалар кенг муҳокама қилинди.

Хусусан, вилоятни барқарор дори воситалари билан таъминлаш ва фармацевтика фаолияти сифатини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Дори воситаларини сақлаш ва тақсимлаш тизимини такомиллаштириш, омбор логистикасини яхшилаш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоят раҳбари соғлиқни сақлаш масаласи доимий эътибор марказида эканлигини таъкидлади. Шу билан бирга, бу соҳани ривожлантириш юзасидан билдириладиган тақлифларни кўриб чиқишга тайёр эканлигини маълум қилди. Дори воситаларини адолатли тақсимлаш, ҳақиқатан эҳтиёжманд беморларни тўлиқ қамраб олиш, фармокологик назорат, шу йўналишдаги айрим камчилик ва муаммоларни бартараф этиш масалалари ҳам кўтарилди.

Н. Асилбеков аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш, фармацевтика тармоғига илғор илмий-техника ютуқлари ва инновацияларни жорий этиш орқали тармоқда амалга оширилаётган ишлар, ички бозорни таъминлаш даражасини оширишга қаратилган лойиҳаларга тўхталди.

Учрашув якунида томонлар соҳада ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, аҳолига сифатли ва арзон дори воситаларини етказиб бериш юзасидан ҳамкорликда тизимли ишларни давом эттиришга келишиб олдилар.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

Ҳар йили апрель ойида Тулкибош туманининг энг машҳур жойлари ранг-баранг баҳор лолалари билан бурканиб, барча табиат шайдоларида юксак қизиқиш уйғотади.

Тулкибош тумани Буюк Ипак йўли бўйлаб, Олатов ва Қоратог тизмалари туташган сўлим ҳудуд. Бу ерда Қозоғистон даштининг ноёб бойлиги бўлган қизил тоғ лоласига бағишланган “Шўбайқызыл алауы” номли гуллар фестивали ўз якунига етди.

Табиат гўзаллигини тарғиб қилиш ва уни асраб-авайлашга қақирришга қара-

## ТУЛКИБОШДА – ГУЛЛАР ФЕСТИВАЛИ

тилган ушбу тадбир кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди.

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида туман ҳоқими Асқар Естибаев сўзга чиқди. Маслаҳат раиси С. Сарсенбаев ижодий танловлар голибларини

табриклади. Ёш шоирлар, расомлар ва видеолаваҳ яратувчилар ўз ижод намуналарини намён этиб, голиблар муносиб равишда тақдирландилар.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

Қозоғистон Республикаси Савдо ва интеграция вазирлиги томонидан бозорларда нарх шаклланишининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда самарасиз воситачилар улусини қисқартириш юзасидан тадбирлар жадаллаштирилмоқда.

Шу мақсадда Савдо қўмитаси раиси Ернур Жаутекбаев Туркистон вилоятига хизмат сафари билан келиб, минтақадаги бозор раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Мулоқот давомида савдо занжирини тартибга солиш, воситачилар сонини камайти-

## НАРХЛАР ШАФФОФЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

риш ҳамда савдо жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Эндиликда бозорлардаги барча шартномалар ва тўловлар мажбурий равишда ахборот тизимларида рўйхатдан ўтказилади.

Хизмат сафари доирасида Туркистон шаҳридаги «Қуаныш», «Алтын булақ», «Яссы» ва «Эко бозор» савдо масканларига ташриф буюри-



либ, уларнинг фаолияти ҳамда нарх шаклланиш дастаклари ўрганилди. Шунингдек, вилоятдаги ишлаб чиқариш паркларига ташриф чоғида товар етказиб бериш занжирини ривожлантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш имкониятлари кўриб чиқилди.

Умуман олганда, республика бўйича назорат чоралари кучайтирилиб, қонун талабларига риоя этмаган субъектларга нисбатан қатъий чоралар

кўрилмоқда. Йил бошидан бўён 76та самарасиз воситачи савдо занжиридан чиқариб юборилган.

Мазкур тадбирлардан кўзланган асосий мақсад – хуфёна иқтисодиётни қисқартириш, ҳалол рақобатни ривожлантириш ҳамда аҳолини адолатли нархлар билан таъминлашдан иборат.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.



»» Дўстлик ва ҳамкорлик

## БИЗ – БИРГАЛИКДА КУЧЛИМИЗ



Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Бейбит Атамқулов билан Тошкентдаги элчихонада учрашиб, мароқли суҳбатда бўлдим.

Вилоятимизни бошқарган, кўп давлатлараро масъулиятли вазибаларни самарали адо этиб, эъзоз топган Б. Атамқулов билан мулоқотимиз кенг қамровли бўлди. Хусусан, тадбиркор Абдулла Исмаилов раҳбарлигидаги ҚР ўзбеклари «Дўстлик» ҳамжамиятининг жорий йилги режалари, 2012 йили қаминга асос солган, вилоятимизнинг элга хизмати сингган таниқли нуроний отахонларидан иборат Қозоғистон – Ўзбекистон «Дўстлик қарвони» фаолиятини изчил давом эттириш ҳақида кечди.

Суҳбатдошим Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарлари имзолаган дўстлик, ҳамкорлик ҳужжатлари асосида давлатлараро маданий, маърифий, иқтисодий ришталарни янада мустаҳкамлаш йўлидаги хайрли режаларни қўллаб-қувватлаётганини баён этди.

Бейбит Атамқуловга келгуси фаолиятига омад тилаб, суҳбат чоғида баён этган ўринли таклиф - мулоҳазалари учун самимий миннатдорчилик изҳор этаман.

**Дониш МАННОТОВ,**  
жамоат арбоби, ҚР «Дўстлик»  
ҳамжамияти раиси маслаҳатчиси.

Тасвирда: учрашув пайти.

»» Обуначиларимиз орасида

## М. ҚОШҒАРИЙ НОМЛИ МАКТАБДА

Қарноқ қишлоғидаги М. Қошғарий номли мактаб-лицей директори Артур Асоев, кутубхона мудираси Саноат Мирзаҳмедова, ўқитувчилар билан бамааслаҳат «Жанубий Қозоғистон» газетасига иккинчи ярим йилликка 100 нусха обуна бўлишди.



Байрамона безатилган ўқув даргоҳи ҳовлисида шаҳар таълим бўлими, Х. А. Яссавий номидаги ХҚ-ТУ ҳамда ушбу мактаб-лицей ҳамкорлигида ташкил этилган «Еш тадқиқотчилар: STEM фестивали»ни кузатдим. Физика ўқитувчилари ва иқтидорли ўқувчиларга омад тиладик.

Ушбу мактабда таҳсил олган, жорий йили таваллудига 100 йил тўладиган адиб Одил Ёқубов хотирасини абадийлаштиришга қаратилган тадбирлар давом этмоқда.

Тахририят ташаббуси билан тўпланган, 1991 йили Туркистондаги Ҳазрат Яссавий мақбараси пойи-

да Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарлари Нурсултан Назарбаев, Ислам Каримов ташрифи чоғида имзоланган «Туркистон декларацияси» тадбиридаги лавҳалар, хусусан, Одил Ёқубовнинг фахрий меҳмон сифатида нуфузли тадбирдаги иштироки акс эттирилган тарихий суратлар музейга (Д. Сайфуллаевга) тақдим этилди. О. Ёқубовнинг ўтган асрда нашр қилинган китобларини топиб, мактаб кутубхонаси жамғармасига топшириш ҳаракатлари давом этмоқда.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Тасвирларда:** тадбирдан лавҳалар.

**Муаллиф ва архив суратлари.**

## СЕРҚИРРА ИЖТИМОЙ ТАДБИРКОР



ҚРнинг янги Конституциясидаги 30-моддасида аънанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Унда никоҳ фақат давлат томонидан рўйхатдан ўтган ҳолда тан олинши, шунингдек, эркак ва аёлнинг ихтиёрий ва тенг ҳуқуқли бирлашуви сифатида белгиланган. Шу билан бирга, оила, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, болалар ҳуқуқларини таъминлаш, зўравонликнинг олдини олиш масалалари устувор вазибалар сифатида қайд этилган. Бу янги меъёрларни аҳолига тушунтириш ҳамда шу соҳада фаол ва самарали фаолият юритаётган ижтимоий тадбиркор, вилоят ҳокими ҳузуридаги хотин-қизлар ишлари ва оила-демография сиёсати бўйича комиссия аъзоси, «Дара Ўрпақ» жамоат жамғармаси ва инклюзив (алоҳида эҳтиёжлар) театр раҳбари, «Дара Медиа» ахборот агентлиги директори, «Дара Ўрпақ» давлат гранти соҳибаси, «Ресурсты өйел» маркази директори Рухабза Халдарбек билан мулоқотда бўлдик. Қуйида ушбу мусоҳабани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

– Рухабза Рустамқизи, Сиз, болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналиши билан фаол иш олиб бормоқдасиз. Соҳани танлашингизга нима туртки бўлган?

– Журналистика – бу фақат экран орқали чиройли кўриниш ёки сўзасомлик эмас, бу энг аввало, жамоатчилик фикрини шакллантириш, муаммоларни кўтариш ва уларнинг ечимига ҳисса қўшиш демакдир. Асли касбим тележурналист бўлгани боис кенг жамоатчиликни қийнаётган масалаларни кузатиб бораман. Айниқса, болалар ва аёллар ҳуқуқларининг поймоқ этилиши, гендер муносабатларининг бузилишига бефарқ қарай олмаيمан.

– Бошқараётган ташкилотларингиз ҳақида қисқача тўхталсангиз.

– Ўтган йили Туркистон шаҳрида инклюзив йўналишида фаолият юритадиган «Дара ўрпақ» театри очилди. Унинг очилиш маросимида имконияти чекланган болалар иштирокида кичик спектакль ҳам намойиш этилди. Бу театр Президентимизнинг ногирон болаларга табибий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилган вазибалар ижроси доирасида очилди. Тақдирот маросимида вилоят ҳокими иштирок этиб, бу маскани «Ўзига хос истеъдод соҳиблари учун имкониятлар майдони», дера эътироф этди. Мазкур театрни «Дара ўрпақ» жамоат жамғармаси етакчиси, шаҳар маслаҳати депутати Ербўл Кўкенов билан бирга очдик.

Театр саҳнасида илк бор ДЦП – болалар церебрал парализи, «Даун синдроми», аутизм спектри бузилиши, руҳий ривожланишининг кечикиши каби ташхиси бор, қуриш ва эшитиш қобилияти ожиз 100га яқин бола ўз истеъдодларини намойиш этмоқда. Бу жамиятимиз учун муҳим янгилик.

Умуман олганда, «Дара ўрпақ» жамоат жамғармаси аҳолига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш ҳамда алоҳида эҳтиёжларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган. Жамғарма Туркистон шаҳрида, жойлашган бўлиб, «Жарық» лойиҳасини амалга ошириб келади. Мазкур лойиҳа доирасида алоҳида

эҳтиёжли болаларнинг истеъдодини ривожлантиришга қаратилган машғулотлар, жумладан, актёрлик маҳорати бўйича дарслар йўлга қўйилган. Лойиҳа ҚР Маданият ва ахборот вазириликнинг молиявий кўмаги асосида «Азаматтық бас-тамаларды қолдау орталығы»нинг давлат гранти доирасида амалга оширилмоқда.

– Бу хайрли ташаббусни амалга оширишга нима сабаб бўлди?

– 2011-2017 йилларда Яссавий номидаги ХҚТУнинг журналистика факультетини тамомлагач, 2013-2017 йилларда Туркиянинг «Istanbul Medya Akademiyesi»да, тележурналистика соҳасида, Ижтимоий лойиҳалар бўйича таҳсил олдим. Ривожланган мамлакатларда ижтимоий соҳага эътибор юксак даражада эканлигига гувоҳ бўлдим. Масалан, бола тарбияси билан банд бўлиб, уйда ўтирган аёлларга ҳам давлатнинг эътибори бор. Айниқса, ногирон бола тарбиялаётган аёллар эрталаб болаларини махсус марказларга, ихтисослашган тўғарақларга олиб боришади, тегишли хоналарга киритгач, ўзлари ҳам бошқа тўғарақларда вақтини сермазмун ўтказишади. Она ва бола учун шундай шароитлар бор. Ватанга қайтгач, шундай марказлар очишга қарор қилдим.

– Журналистикада ҳам фаолият юритгансиз...

– Албатта. 2007 йилда «Нур» жамоат бирлашмасида ахборот бўлимини, «Мўрагер» ёшлар марказини бошқардим, «Тўран-Тўркистан» телеканали бўлим раҳбари, «Қазақстан» РТРК ҲЖнинг Манғистау филиалида муҳаррир-бошловчи, Манғистау вилоят ҳокимлигининг ички сиёсат бошқармаси «Жамоат тотувлиги» мутахассиси сифатида фаолият юритдим.

– Қозоғистонда амалга ошириляётган ва шахсан ўзингиз иштирок этаётган ижтимоий лойиҳаларга тўхталсангиз.

– Шахсан ўзим 2017 йилда «Асыл Шаньрақ» республика танловида иштирок этиб, «Кесіби Ана» номинацияси ғолиби бўлдим. 5 нафар фарзандим бор. Ушбу танлов оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш ва фарзанд тарбиясига эътиборни

кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. «Ресурсты өйел» лойиҳасига тўхталсам, 2021 йилда «Қозоғистоннинг энг илғор 20 лойиҳаси» тақдимотчиси сифатида ғолиб бўлдим ва бугунги кунда 6000 нафар хотин-қиз билан иш олиб бормоқдаман. Вилоят тадбиркор хотин-қизлар ҳамжамияти билан ҳамкорликда турли семинар-тренинглар ўтказиб тураимиз. Уларда кўп болали оналар, вилоят маслаҳатининг аёл депутатлари, Оналар кенгашлари вакиллари, касбий руҳшунослар иштирок этадилар. Тадбирларимизда бугунги ота-онанинг оиладаги масъулиятини юксалтириш, тарбияси оғир болалар билан ишлаш, оилавий ва жамиятдаги зўравонликнинг олдини олиш масалаларига эътибор қаратилади. Барвақт ҳомиладор бўлиб қолган қизларга тиббий, руҳий ёрдам йўлга қўйилган. Масалан, «Сенім» ёпик клубини ташкил этганман. Турли тоифа вакиллари келиб, маслаҳат сўрашади. Анкета саволлари орқали тадқиқот ишлари ҳам олиб бораимиз. Шу тариқа оғир ижтимоий шароитдаги оилалар аниқланмоқда. Афсуски, бизда оила қуришга ўргатадиган, турмуш руҳияти, эр-хотинлик муносабатларидан дарс берадиган даргоҳлар йўқ. Ривожланган мамлакатларда мактаб давридаёқ ушбу мавзу ўргатиб борилади. Қозоғистонда «Она ва қизи» давлат лойиҳаси устида ҳам кенг қамровли ишларни олиб бормоқдамиз.

Мактабларда касб-хунарни ўргатиш керак. Масалан, Туркияда 5-синфдан кейин ошпазлик, сартарош каби хунарлар ўргатиб борилади.

2023 йилда республика «Tomiris» сиёсий етакчи аёллар танлови ғолиби бўлдим. Бу танлов «AMANAT» партиясининг сиёсий менежмент Академияси томонидан ташкил этилади ва ҳар йили ҚР Президенти қошидаги Хотин-қизлар ишлари ва оила-демография сиёсат комиссияси шафелигида амалга оширилади. Ушбу танлов ҳам салоҳиятли хотин-қизларни давлат хизматига тайёрлашда муҳим ўрин тутди.

– Суҳбат учун раҳмат, ишларингизга омад!

**Н. МАВЛОНОВА.**

»» Миллий қурултой қарорлари – ҳаётга



## ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилалар фаровонлигини таъминлаш давлат сиёсатида устувор йўналишлардан бирига айланди. Айниқса, оғир ҳаётли вазиятга тушган фуқароларга манзилли ёрдам кўрсатишда «Оилани қўллаб-қувватлаш маркази»нинг ўрни беқиёс.

Мазкур тизим фаолияти, унинг бугунги имкониятлари ва аҳоли учун яратилётган шароитлар ҳақида батафсил маълумот олиш мақсадида Туркистон вилоят бандликни мувофиқлаштириш ва ижтимоий дастурлар бошқармаси раҳбари ўринбосари Кумис Кемелқизи Мирова билан мулоқотда бўлдик. Қуйида ушбу мусоҳабани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

– Хотин-қизлар ва болаларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсати қандай амалга оширилмоқда?

– ҚР Бош прокуратурасининг ташаббуси билан 2017 йилда Туркистон вилоятида аёллар ва болаларни оилавий зўравонликдан ҳимоя қилиш, уларга нисбатан содир этиладиган жиноятлар, ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида идоралараро ҳамкор фаолият сифатида «Туркистон вилоятининг 17та туман ва шаҳарларда руҳий қўллаб-қувватлаш маркази» давлат муассасаси очилди. Уларга ҳаётли қийинчиликларга учраган шахслар мурожаат қилишмоқда. Ўтган йили 17та марказга 4000га яқин мурожаат келиб тушган, 500дан кўп хизмат турлари тақдим этилган.

Минтақада «Көмек» инқироз маркази ва «Жігерлі жүрек» ногиронлар жамияти» каби ташкилотлар фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, Давлат раҳбари топшириги билан «Оилани қўллаб-қувватлаш марказлари»ни ҳам очдик. Улар оила сиёсати, оилавий қадриятларни тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

– Ушбу марказлар фаолиятига тўхталсангиз.

– 2024 йилда «Оилани қўллаб-қувватлаш марказлари» фаолиятини созлайдиган қонунчилик (ҚР «Никоҳ ва оила тўғрисида»ги кодекси, ҚР Ижтимоий кодекси, «Айрим қонуний ҳужжатларда аёллар ҳуқуқлари ва болалар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ўзгартиш ва тўлдиришлар киритиш тўғрисида» Қонунининг тегишли меъёрлари) қабул қилинди. Бу ислохотни оила институтини ривожлантириш ҳамда оилавий зўравонликнинг олдини олишдаги муҳим қадам деб ҳисоблаймиз. Бугунги кунда республикада 153та марказ очилган. Туркистон вилояти бу борада етакчи, 17та ташилотимизнинг барчаси фаол. (Манзилларини туман, шаҳарлардаги бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлиmlаридан олиш мумкин). Уларда 306 ходим ишламоқда. Мутахассислар жабр кўрган хотин-қизларга руҳий, ижтимоий, ҳуқуқий ёрдам беришади. 2026 йилда бу марказларга маҳаллий бюджетлардан 1345,5 миллион тенге ажратилди.

Ўтган йили минтақада 3000дан зиёд зўравонлик ҳолати қайд этилган. Статистика маълумотларига кўра, уларнинг 86 фоизи хотин-қизларга, 9 фоизи эркакларга, 5 фоизи болаларга нисбатан содир этилган. Агар кимдир оилавий зўравонлик ҳолати ҳақида бирорта хабарга эга бўлса, дарҳол 111, 102 рақамлари орқали ваколатли идораларга (Алоқа маркази) мурожаат қилиши керак.

Шу кунларда ўсмирлар билан боғлиқ жиноятлар камаяр эмас. Ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Сабаблар кўпинча ижтимоий муаммолар ёки оилалардаги низолар билан боғлиқ. Оиладаги ахлоқий муҳитнинг носозлиги ёш авлодни, яъни ҳали 18 ёшга тўлмаган шахсларни шундай боши берк кўчаларга бошламоқда...

– Жабр кўрган болаларни махсус марказларга жойлаштириш тартиби қандай?

– Масалан, «Оилаларни қўллаб-қувватлаш маркази» оилавий тажовузкорлик белгилари билан вақтинча жойлаштирилган шахсларга 1 ойгача қўллаб-қувватлаш, яъни ижтимоий, ҳуқуқий ва руҳий ёрдам бериш имкониятига эга. Маҳаллий ижро идоралари, кўнгилчилар, давлатнинг ушбу сиёсатини амалга оширадиган мутасадди ташкилотлар ўзaro ҳамкорликда жабрланувчига тезкор ва самарали ёрдам кўрсатади. Таълим, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, ижтимоий таъминот идоралари ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилади. Марказда ҳуқуқшунослар, психолог, ижтимоий педагог, тиббий ходимлар, ижтимоий таъминот соҳаси вакиллари, маҳаллий полициячилар, ноҳукумат ташкилотлари ходимлари, журналистлар, мониторинг ва баҳолаш, ахборий технологиялар соҳалари мутахассислари, ҳайдовчи, қоровул, ошпаз, фаррош кабилар фаолият юритади.

– Жабр кўрган шахсларга ёрдам қандай белгиланади?

– Албатта, ҳар бир жабрланувчи шахс ёки оила алоҳида ўрганилади, эҳтиёжлари ва талаб-истакларига қараб, ёрдам турлари белгиланади. Масалан, ишга жойлаштириш, касбий тайёргарликдан ўтказиш ёки малакасини ошириш, кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмидан фойдаланиш, 1 ой давомида хавфсиз яшашини таъминлаш – давлат зиммасидаги вазибалардир. Балоғат ёшига етмаган болаларни марказга жойлаштиришда 24 соат ичида ёзма равишда ҳуқуқ-тартибот ва васийлик идораларига хабар берилади. Улар ҳам ўз тарафидан тегишли чораларни амалга оширадирлар.

– Суҳбат учун раҳмат!

**Н. МАВЛОНОВА.**

»» "Обуна – 2026"

## ИБРАТЛИ ТАШАББУС

МАКТАБ, БОҒЧА, ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ  
130 ГАЗЕТАГА ОБУНА БЎЛДИ

35 ёшдаги "Жанубий Қозғоғистон" нашрининг келаси ярим йиллик обунасига Югнак қишлоғидаги фахрий отахон Фарҳод Абдуллаев ўғли, Саврон тумани маслаҳати Нурсултон Абдуллаев билан бунёд этган мактаб, болалар боғчаси ҳамда хўжалик ходимлари – жами 130 нусхага обуна бўлишди. Вилоятимиздаги шахар, туманларга ушбу ташаббусни ибрат сифатида кўрсатамиз.

– Бунёд этилган 900 ўринли янги мактабга оид ёзилган шикоят минтақавий судда бир неча марта кўрилиб, пировардида тасдиқланмади. Мактаб жамоаси одатдагидек таълим-тарбия ишларини муваффақиятли давом эттиришда – деди фаол муштарийимиз Фарҳод Жалил ўғли суҳбат чоғида.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Фарҳод Абдуллаев 90 ёшдаги ҳамқишлоғи Тождин Искандар ўғли ва ҳисобчи Акмал Убайдуллаев билан.

Муаллиф суратга олган.

»» Саврон

ФИДОЙИ  
УСТОЗ

Инсон умрининг мазмуни – қолдирган эзгу излари, шоғирдларининг камоли ва эл-юрт орасидаги ҳурмати билан ўлчанади. Бугун ана шундай эҳтиромга лойиқ, умрини ёш авлод таълим-тарбиясига бахшида этган фидойи муаллима Гулхон Азхонова (тасвирда) кутлуг 60 ёшни қарши олмақда.



Г. Азхонова 1966 йил 1 май куни Чўрноқ қишлоғида таваллуд топган. Мактаб давридаёқ тиришқоқлиги ва ўткир зехни билан тенгдошларидан ажралиб турадиган қаҳрамонимиз таълим даргоҳини аёло баҳолар билан тамомилади. Қалбидаги ўқитувчиликка бўлган меҳр 1982-1986 йилларда Туркистон гуманитар техника коллежиди, 2002-2005 йиллар оралиғида Шимкент Қозғоғистон муҳандислик университетида тахсил олган.

У меҳнат фаолиятини 1986 йили М. В. Фрунзе номи мактабда бошланғич синф ўқитувчиси сифатида бошлади.

Бугунги кунда у фаолиятини 5-сонли умумтаълим мактабиди давом эттириб, ёш ҳамкасбларига намуна бўлмоқда. Гулхон опа фақатгина моҳир педагог эмас, балки намунали уй бекаси,

суюкли рафиқа ва меҳрибон онадир. 1989 йилда турмуш ўртоғи Рашиддин Исмаилов билан оила қуриб, икки қиз ва икки ўғилни воёга етказиб, 15 нафар неваранинг сеvimли бувижонисига айланган.

Сиз нафақат фидойи муаллима, балки хонадон чироғи, меҳри дарё она ва оқила ёрсиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилангизга қувонч, ишингизга ривож тилаймиз. Куч-ғайрат ва латофат сизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Фарзандлар камолини, неваралар эркалигини кўриб, ҳамisha дуоғуни бўлиб юраверинг. Оилангиз устуни – Рашиддин ака билан қўша қариб, юз ёшларни қарши олинг.

Чўрноқ қишлоғидаги 5-сонли умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчилари.

## ИНТИЛАНГА ТОЛЕ ЁР



Сайрам туманида мактаб ўқувчиларининг етакчилиқ қобилиятини ривожлантиришга қаратилган "Ҳаракат дастури ва захира" мавзусидаги танловнинг туман босқичи якунланди. Унда 15-17 ёш оралиғидаги сўзга чечан, давлат тилини пухта эгаллаган, билимли ва ташаббускор ўқувчилар иштирок этдилар. Иштирокчилар назарий билимлари, мустақил фикр юритиш, жамоа билан ишлаш ва етакчилик кўникмалари борасида синондан ўтказилди.

Бугунги кунда ёшлар жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Бу эса уларнинг

келажакда етук мутахассис ва жамиятнинг фаол аъзоси сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Танловда Қорабулоқ қишлоғидаги "Далабозор" мактабининг 10-синф ўқувчиси Исмоил Ҳасантоев фахри биринчи ўринни эгаллаб, вилоят босқичига йўланма олди.

Ёш иқтидор эгасини ушбу муваффақияти билан самимий табриклаб, келгусида янада юксак марраларни забт этишини тилаб қоламиз.

Муниса САЙДИҒАНИЕВА.

Қорабулоқ қишлоғи.

КУТУБХОНАДАГИ  
МАЪНАВИЯТ  
КЕЧАСИ

Г. Куанишбаева раҳбарлик қилаётган М. Маметова номи мактаб кутубхонасида шу заминда таваллуд топган иқтидорли ёзувчи Раҳим Отаевнинг 75 йиллигига бағишланган адабий кеча ўтди.



Тадбир кутубхона мудираси, фаол жонкуяримиз Феруза Абдумавлонова ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари Динора Йўлдошева, Дониёр Маменов, Фаррух Сафидуллаев, Тўхтамурод Иброҳимов билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда ёзувчи Р. Отаевнинг қариндошлари, нафақа ёшидаги нуроний отахонлар ва онахон – Ҳакимжон, Қаримжон, Дилбар Отаевлар иштирок этиб, ажойиб учрашув учун ташкилотчиларга ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Раҳим Отаев "Замона зайли", "Элчи", "Рухият эҳтироми" каби кўплаб асарлари билан китобхонлар орасида кенг танилган маҳоратли ижодкор.

Бугунги ёш авлод Чипон заминиди тугилиб, ёзувчи сифатида Ўзбекистонда танилган ҳамқишлоғи Раҳим Эгамберди ўғли билан ҳақли равишда фахрланади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

»» "Обуна – 2026"

ИНТИМАҚ ВА ЧОҒА ҚИШЛОҚЛАРИДАГИ  
ГАЗЕТХОНЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Саврон тумани, Интимақ қишлоғи УЭМБ раиси, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси, жонкуяр обуначимиз Абдуҳамид Умаров тақлифи билан унинг ҳамқишлоғи, 78 ёшдаги меҳнат фахрийси Жўраҳон Шарипов хонадонига ташриф буюрдик.

Ўтган йили ХҚТУ клиникасида даволаниб, оғир дардан халос бўлгач, газета орқали шифокорларга миннатдорчилик билдирган Ж. Абдураим ўғлининг илтимоси билан ХҚТУ клиникасининг бўлим мудираси – малакали кардиолог шифокор билан суҳбатимизда баён этилган ажойиб тавсияларни барча муштарийларимиз ўқиб, баҳраманд бўлишди. Ж. Шарипов мактабдан сўнг ҳайдовчи-механизатор ҳамда киномеханик курсини Шимкентда тамомлаб, ҳарбий хизматни Ленинград яқинидаги Тихвин шаҳрида қурилиш қисмида ошпаз сифатида ўтди. Ҳарбий хизматдан сўнг Туркистондаги Шумилов, "Жалын" кинотеатрларида киномеханик бўлиб меҳнат қилди.

Ҳамкасби Севил Бахтиёр қизи билан бахтли турмуш қуриб, фарзандлари Гузал, Рита, Ихтиёр, Диёрларни тарбиялади. Нафақага чиққач, деҳқончилик билан шуғулланди. Пахта, галладан мўл ҳосил олди. Туркистон тумани раҳбари Раҳматулла Тўйчибоев қўлидан пешқадам деҳқон сифатида кўп бора мукофот олган. Зиёли, зийрак газетхон сифатида дилидаги тақлифларни қуйидагича баён этди:



кекса муштарийимиз Шокир Юнусов билан ҳам суҳбатда бўлдик. Галаба куни тугилган, жамиятимизда эъзозли ушбу отахон умр йўлдоши, қаҳрамон она Умсиной ая билан фарзандлари Алихон, Роҳила, Замира, Илмира, Илчибоев қўлидан тарбиялаган. Шокир ота қўлларини дуога очиб, фарзандлик бурчини беками кўст адо этаётган қобил ўғли Илхомга, 35 ёшдаги газетамиз жамоасига, хонадонига йўқ-



бошланган тубдан таъмирлаш ишлари бошланди. Кутубхона мудираси, жонкуяр обуначимиз Роза Ибрагимова мулоқот чоғида:

– Аввалги ярим йилликдаги обуна кўрсаткичини давом эттираемиз, – деди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: сафардан лавҳалар.

Муаллиф тасвирлари.

**P.S.** 35 ёшдаги "Жанубий Қозғоғистон" газетасининг ушбу ҳудуддаги барча фидойи муштарийларига, хусусан, ҳар ҳафта газеталарни қабул қилиб, муштарийларга беминнат етказиб бериб, улкан саъога дохил бўлаётган Интимақ қишлоғи УЭМБ раиси, фахрий устоз Абдуҳамид Умарова тахририят номидан самимий миннатдорчилик билдириб, сиҳат-саломатлик, янги зафарлар тилаймиз.

Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўғли  
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ,  
Авазхон БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22

Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42

Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90

Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71

Жетисай, Мақтарал – Муҳтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97

Келес, Саригоҳ – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82

Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – "Жанубий Қозғоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, редакция ва эълон берувчилар масъулдир.  
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2026 йил 1 апрелда рўйхатга олинди, КЭБ4VРҮ00145638 гувоҳнома берилган.

"ERNUR print" МЧБ Ўзбекистонда чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Бирормас 766.

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 10500 нусха.

Навбатчи муҳаррир: Муҳтабар УСМОНОВА.